

ВАҚТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ: ФАЛСАФИЙ, ПСИХОЛОГИК ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР

*Мамараҗабова Ирода Файзуллаевна,
УзМУ Журналистика ва ўзбек филологияси факултети
Ўзбек тилишунослиги катта ўқитувчиси, PhD.
E-mail: mamarajabovairoda088@gmail.com*

Аннотация. Мақолада вақтнинг моҳияти, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ва вақтни самарали бошқариши ҳақида сўз боради. Вақт инсоннинг ҳаракатлари ва ҳодисалари билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзгариши ташқи олам билан алоқасиз бўлган даврий жараёнлар билан белгиланади. Вақтнинг қисқа ёки узоқ бўлиши ҳақида мисоллар келтирилган: бир лаҳза, бир зумбда каби иборалар орқали вақтнинг тезлиги ва унинг нисбийлиги тушиунтирилади. Вақтни ўғирлаш, уни самарали бошқариши ва режсаларни тўғри тузиш мухимлиги таъкидланади. Матнда Зено, Сизиф каби фалсафий тушунчалар орқали вақтни қандай қадрлаш ва уни бошқариши ҳақида чуқур фикрлар мавжуд. Вақтни режалашибтиришининг аҳамияти, уни самарали ва мақсадли равишда ишлатиши масалалари ҳам ёритилган. Шунингдек, муваффақиятли вақтни бошқариши учун катта тошларни биринчи ўринда қўйиши, кичик ишларни эса охирига қолдириши ҳақида мисоллар келтирилган. Матнда вақтнинг қадри, унинг қандай тез ўтиши ва ҳар бир инсон учун қандай бошқарилиши кераклиги ҳақида кенг тушиунча берилган.

Калим сўзлар: Вақт, нисбийлик, режалашибтириши, самарадорлик, тараққиёт, вақтни бошқариши, Степхен Совей, Зено, Сисийхус, мотивация, филология, фалсафа.

Вақт – бу инсон томонидан моддий ҳаракат ёки ҳодисаларнинг содир бўлиш жараёнини тасвирлаш учун қўлланиладиган ўлчовдир. Вақт, ташқи олам та'сирида бўлмаган материятнинг даврий ўзгариш қонунига асосланади. Қисқа муддатли

вакт – бу жуда тез ўтадиган вакт. Мисол учун, бир лаҳза – жуда қисқа вақтни ифодалайди; лаҳза – ажралмас, ёмғир устида ва осмон тоза. "Бир зумда" – жуда қисқа вақтни ифодаловчи метафора бўлиб, осмондан баланд шовқин эшитилиб, минглаб гўзал учқунлар пайдо бўлиши мумкин. Уни "лаҳзалик" деб ҳам аташади. "Кўз очиб юмгунча" – жуда қисқа вақтни тасвиরловчи метафора. "Бир зумда" эса кичик қалқонддан учиб кетган қушни тасвиirlайди. Вақтни "қиличга ўхшатиш" – вақтнинг тез ўтишини ифодаловчи бир мисол. Вақт, ўқ каби тез ўтади. "Вақтнинг тез ўтиши"ни ифодаловчи бошқа бир мисол эса "кўз очиб юмгунча" деган иборадир. "Бармоқ чайқалгани" – жуда қисқа вақтга нисбатан ишлатилади. "Кечнинг ўзида, сўнgra тез бўлди" – романларда кенг тарқалган ибора бўлиб, бу ҳолатнинг тезда юз беришига ифодалайди. Бу эса воқеалар содир бўлганда тезликни тасвиirlайди, лекин ҳикоянинг тезлиги билан бевосита боғлиқ эмас.

Вақт шунчалик буюклигига қарамай кимга арzon кимга қиммат. Вақт шунчалик буюклигига қарамай кўзимизга тик боқолмайди. Шунинг учун у ҳамма нарсани ўзгартирадио лекин кўзимизни ўзгартиrolмайди. Дунёда энг ёмон ўғри вақт ўғрисидир. Қатъиятли одамларгина ўз вақтларини ўғирлатмасалар керак. Муддатни чўзиш ҳам вақтни ўғирлашга киради. Кўп дахолар вақтларини йўқотиб тентираб юрмайдилар.

Ҳозир замон тезкор деймиз. Тез харакатланамиз, шунчалик тез ҳаракатланамизки, Зеноннинг "Тошбақа ва Ахиллс" апориясидаги Ахиллс сингари мўлжалга етолмаймиз, етсак-да аслида етишолмаган бўлиб чиқамиз, ҳеч нарсага улгурмаймиз. Алал оқибат Сизиф¹га ўхшаб (Зенон. "Сизиф ҳақида афсона") минг машаққат билан чўққига олиб чиққанимизда думалаб кетган тошимизнинг ортидан чопамиз. Мазкур ҳолат такрорланаверади, такрорланаверади...Бу биздан аввал ҳам бўлган, энг қизифи, биздан кейин ҳам бўлиши муқаррар. Сальведор Дали тасвиrlаганидек вакт доим оғиб туради.

¹ Обнорский Н. П. Сизиф // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрана : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890–1907. : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890–1907.

Девордаги қүш ини шаклидаги соатдан какку чиқиб бошимизни чўқиб оқартиради, осмасоатнинг кафтгири пешонамизга тегиб куйдириб ажин ясади.

Вақтни режалаштиришга келсак, бу энг осон ва энг мураккаб филологик ва фалсафий масала. Биз учун нисбий ҳолда энг чексиз ва шу билан бирга энг қисқа ҳамда ҳар биримизга масъулият юклайдиган неъмат бу вақтдир.

Маълумки кишилар бирор бир юмушни графигини қофозда тузмасаларда барибир ёлғиз ҳолдами ёки кўпчилик бўлибми, шу ишни албатта маълум бир имконият топиш орқали амалга оширадилар.

Режадаги вақт албатта мавжуд, шунчаки у яширин ҳолатда бўлиши мумкин. Графикдаги барча иш – бу ишларнинг умумий вақтидир. Масалан сизга ҳисбот ёзиш учун 4 соат вақт керак. Сиз одатда режалаштиришга 10 минут сарфлайсиз. Яна қўшимча 8 минут орқали биз жуда синчковлик билан ўйлаб эҳтимоллаб вақтни самарали фойдаланиш жиҳатларини тузамиз. Кимгadir ниманидир тўғри тақсимлаймиз. Айрим юмушларни яна бир бошқа ходимларга берамиз. Айнан шу жиҳатда режалаштириш моҳияти кўринади. Стивен Ковиннинг китобида: “Асосий эътибор, - асосий нарсаларга”, деб ёзилган қизиқарли мисолни ўқинг.² Стивен Ковин тайм-менежмент бўйича қизиқарли семинарлардан бирига кирганлиги ҳақида ҳикоя қиласиди.

“Энди имтихон қиласиз” – деб, у бир оз эгилиб, стол тагидан 5 метрли оғзи катта банкани олди ва муштдек келадиган бир неча тошлардан иборат подносни олдига қўйди. “Нима деб ўйлайсиз шу тошчалардан” нечтаси сигаркин ушбу банкага – деб сўради у. Турли фикрлар айтилди, топишга ҳаракат қилинди. Инструктор давом этиб: келинглар текшириб кўрамиз деди.

У банкага 1-2 ва бир нечтасини солиб уни тўлдиради. Кейин у сўради. “Энди банка тўлдими?”

² Стивен Р. Кови. Восьмой навык. Руководство пользователя = The 8th Habit: Personal Workbook. – М.: [«Альпина Паблишер»](#), 2010. – С. 240.

www.pedagoglar.uz

38-sod 1-to'plam Dekabr 2024

Ҳаммалари тикилиб “Ха” дейиши. Шундайми деб стол тагидан челакда шағални олиб банкага ағдарди ва шағал тезда тошнинг ораларига кириб кетди. Шундан сўнг у яна сўради. Энди банка тўлдими?

Бу сафар ҳам улар “Ха” – деб жавоб бердилар. “Яхши” – деди у ва стол тагидан сатилчада майда қумни банкага ағдарди ва қум тезда тош ва шағал оралиғига кириб кетди. Сўнгра у ўтирганларга қараб яна сўради: “Энди банка тўлдими?” “Ха”, деб ишора қилди, аудиториядагилар. Инструктор яна: “Яхши” деб, банкага яна бир литр сув қуиди. Хўш, буларни ҳаммаси нимани билдиради – деб сўради у. Турли фикрлар айтилди.

Кимдир: “Ҳаётда доимо бўшлиқ мавжуд ва уни тўлдириш учун устидан ишлаш лозим бўлади”, деди.

- Йўқ – деди у. -Мен бу тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Бу тажрибанинг моҳияти шундаки, агар мен катта тошларни биринчи бўлиб солмасам уларга жой қолармиди?

Стивен Ковин ёзадики, **“Зудлик билан эмас, аммо муҳим бўлган ишлар катта тошга ўхшайди.** Агар биз билсакки, катта тошлар қайси фаолиятни амалга оширади ва уларни биринчи бўлиб соламиз, аммо яна шунча бўш жойлар бўладики уларни тўлдириш лозим бўлади”.³

Келинглар Вильям исмли бир менежернинг вақтни тақсимлашини кўриб чиқайлик ва бу мисол Жулли Маргенстермнинг китобидан олинган. У ҳар куни эрталаб 6.30 да туради. Дам олиш кунлари ҳам иш кунидагидек катта блокларга бўлинган. У мунтазам равишда автобиография ёзишга вақт ажратади. А категориясидек (биринчи ҳамда асосий режалаштирилган ишнинг шартли коди) ёки муҳим ва кечикирилмай бажарилиши лозим бўлган иш энг биринчи ёзилади. Жума кунлари бошқа ишлар билан шугулланмасдан 10 дан 12 гача коммунал

³ Стивен Кови. Четыре правила успешного лидера = The 4 imperatives of great leaders. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – 138 с.

ҳисобларни тўлайди. Бундан ташқари унинг ишлари катта блокларга ҳам бўлинган. Иш куни у 12 дан 13 гача спорт билан шуғулланади ва кейин ярим соат овқатланади. У ўзини ҳар сафар мотивлаштиришга ҳаракат қиласкермайди (бирор нарсадан ютаман деган мақсадда). Худди шундай автобиографиясини ёзишга ўтирганда ҳам у учун, кофе ичиб, сигарет чекиб, дўстлари билан гаплашиш шарт эмас. У ўтириб ёзишни бошлайди. Агар сизда режа асосида бир нарса ёзиш учун 1 соат вақт кетса ундан кейин 15 минут ёки 5 соат кетадими, барибир буни режалаштириш асосида амалга ошириш лозим. У ҳар куни бир вақтда уйқуга кетади ва уйқудан туради. Унинг ишлари катта блокларга бўлинган ва унинг ичида жойларини ўзгартириб бажариши мумкин. Баъзан ишларини бир-бири билан солиширади. Масалан, ишга кетиши йўлида ва қайтишда бадиий адабиёт ўқийди.

Агар одам бир вақтда спорт билан шуғулланса уни бунга мотивлаштиришга эҳтиёжи қолмайди. Эрталаблари у автобиография (кундалик) ёзади ва буни ҳар доим мотивлаштиришга эҳтиёж сезмайди. Агар бундай мотивацияга ҳақиқатда бир соат вақт кетса, унда бундай ҳолатни режалаштириш пайтида ҳисобга олиш шарт, у умумий вақтни кўпайтириш лозим ва автобиография ёзишга етарлича вақт қолиши лозим.

Бунга қандай ўрганиш лозим. Бир сафар сиз бирор бир нарсани қаттиқ тусаб қолдингиз, дейлик. Ўша ҳолатни бир эсга олинг. Бу қандай бўлган эди. Кўпчилик одамлар ипидан-игнасигача натижани кўз олдига келтиради ёки шу билан яшайдилар. Кўз олдингизга рисоладагидек тасаввур қилсангиз, уни амалга оширишни мақсад қилсангиз, сиз ғалаба нашидасини ҳис этасиз. Сизга биринчи қадамни ташлаш осон кечади. Бу борада сизга шунингдек мақсадларни бўлиниши катта ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Обнорский, Н. П. (1890–1907). Сизиф. В энциклопедическом словаре Брокгауза и Ефона (т. 82, с. 4 доп.). Санкт-Петербург: Брокгауз и Ефрон.
2. Кови, С. Р. (2010). *Восьмой навык. Руководство пользователя* = The 8th Habit: Personal Workbook. М.: Альпина Паблишер.
3. Кови, С. Р. (2013). *Четыре правила успешного лидера* = The 4 imperatives of great leaders. М.: Альпина Паблишер.
4. Маргенстерн, Ж. (2008). *Умное управление временем*. М.: Рипол Классик.
- Дали, С. (1957). Время и реальность. *Журнал искусства*.